

**«АСМДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА
ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ»**
мавзусидаги

МАЪРУЗА

Маърузачи: Г.Дусмуратов

Тошкент– 2020


V -мавзу. АСМДА ИННОВАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ВА ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ

- Режа
- 5.1. АСМда инновация фаолиятини бошқариш асослари
- 5.2. АСМда инновация жараёнини бошқариш
- 5.3. АСМ корхоналарининг инновацион салоҳиятни бошқариш. Инновацион фаолиятнинг молиявий жиҳатлари
- 5.4. Сув хўжалигида инновацион фаолиятни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари
-

- **5.1. АСМда инновация фаолиятини бошқариш асослари**
- Мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий масалаларни ҳал қилиш бу жараёндаги ўзгартиришга қаратилган индустрисал инновация стратегияси тарғиботига боғлиқ.
- АСМда инновация жараёнининг ташкилий-иктисодий мазмуни ва уни бошқариш услугиятлари етарли даражада ўрганилмаган, у тўлиқ назарий ва услугбий асосларига эга эмас. АСМ аграр соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ишланмаларни ўзлаштириш асосий долзарб масала ҳисобланади.
- «Инновацияларни бошқариш» тушунчаси кенг ва кўп қиррали бўлиб, у қуидаги йўналишларни қамраб олади:
 - – инновация фаолиятини бошқариш;
 - – инновация жараёнини бошқариш;
 - – инновация салоҳиятини бошқариш;
 - – инновация таваккалчилигини бошқариш.

- Эндиликда АСМнинг инновация ва илмий-техник фаолиятини самарали бошқаришда аграр соҳага доир тадқиқотларни амалиётга тақдим қилиш учун мажмуани техник ва технологик модернизациялаш бўйича мақсадли дастур зарур.
- Буларнинг барчаси АСМ ва унинг тармоқлари технологик ўсишини таъминлаш ва техника, технологиянинг янги авлодларини яратишда энг қулай йўлни шакллантириш имконини берувчи тадбирлар ҳисобланади.
- Бунда кўпроқ ҳаракатлантирувчи восита режа, илмий-тадқиқот ва тажрибанинг конструкторлик ишланмаларидир. Бу, АСМда илмий-техник жадаллаштириш ва аграр илмни ривожлантириш бўйича башоратлар янгиланишини тақозо этади.
- Илмий жамият АСМни ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва экологик ривожлантириш бўйича узоқ муддатли (25-30 йилгача) башоратнинг асосий яратувчиси бўлиши керак.

Ўзбекистон АСМда инновация фаолиятини бошқаришнинг ташкилий схемаси



- **5.2. АСМда инновация жараёнларини бошқариш**
-
- Инновация – қишлоқ хўжалик корхоналарининг кўпгина муаммоларини ечувчи радикал воситадир. Мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволи АСМ инвестицион таназзулини келтириб чиқаради. Бунга асосан инвестиция таназзули, тармоқ фанининг тарқалиши, кадрлар салоҳиятининг пасайиши ва олиб бориладиган тадқиқотлар ҳажмининг камайиши сабаб бўлади.
- Мақсадга аграр ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг юқори иқтисодий кўрсатгичларга эришиши, яъни, таннархни пасайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, фойдани кўпайтириш борасида инновация фаоллигини оширишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқариш ёрдамидагина эришиш мумкин.

- Маъмурий тизим шароитларида АСМ инновация жараёнларини бошқариш иқтисодий механизми буйруқбозликка асосланган. Ҳозирги замон шароитларида қишлоқларда кечётган ушбу жараёнларга таъсир кўрсатувчи янги омиллар юзага чиқа бошлади. Жумладан:
 - АСМда институционал қайта ўзгартиришлар (корхоналарни хусусийлаштириш, кичик инновацион бизнеснинг ривожланиши);
 - инновация бозорини шакллантириш (талаб ва таклиф, инновация ва озиқ-овқат бозорлари конъюнктураси, келишилган шартномали нархлар, инновация маҳсулоти қиймати, рақобатбардошлиқ);.
 - янги маркетинг стратегиялари (маҳсулот сифати, сотиш ҳажми, маҳсулот етказиб берувчиларнинг инновация маҳсулоти сотилишидан манфаатдорлиги, сотиш ва таъминотдаги маркетинг);
 - молия ва солиқ сиёсатини шакллантириш (корхоналарнинг тўлов қобилияти, асосий капитал таркибидаги ўзгаришлар, солиқлар тизими, капиталга даромад, қолдиқ қиймат, рентабеллик меъёри ва ҳ.к).

- «Қишлоқ хўжалик корхоналарининг инновация маҳсулотини сотиб оловчи сифатидаги тўлов қобилияти» деганда, инновация фаолияти узлуксиз амалга оширилишида муддатли мажбуриятлар бажарилиши талаб этиладиган, қисқа муддатли маблағларни қайтариш учун керак бўлган айланма маблағлар мавжудлиги кўзда тутилади. Тўлов қобилияти жорий ва истиқболлидир. Ҳисобот даври учун жорий тўлов қобилияти баланс маълумотларига кўра, унинг тўлов маблағлари омонат мажбуриятлар билан ҳисобланади. Тўлов маблағлари омонат мажбуриятлардан ошибб кетиши корхона тўлов қобилиятига эга эканлигидан далолат беради.
- Қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчиларининг узоқ муддатли тўлов қобилиятини (1 йилдан ошиқ) баҳолаш учун фойда ва уни олиш усули ҳамда ушбу усуллар корхонанинг молиявий аҳволига қай даражада таъсир кўрсатиши муҳим.

- **5.3. АСМ корхоналарининг инновация салоҳиятини бошқариш. Инновацион фаолиятнинг молиявий жиҳатлари**
-
- Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги технологик тўсиқлар сўнгги ўн йилликлар мобайнида ривожланаётган мамлакатларни мураккаб вазиятга қўймоқда. Бунинг сабаби – тадқиқотлар, ишланмалар ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда уларни амалга ошириш қурилмаларининг бир неча марта қимматлашувиdir.
- Фан ва техника тизимли истиқболини белгиламасдан, илмий-техника инқилоби эришган натижаларни амалга оширmasдан туриб, фундаментал ва амалий фанлар, технологиилар ва ишланмаларни ривожлантириб бўлмайди. Ўз навбатида, буни тўлиқ кўламли инновация сиёсати шароитида давлатлар ёки корпорацияни илмий-технологик ривожлантириш орқали бажариш мумкин.

- Инновация салоҳияти – турли режали билимлар, улардан XIX-XX асрлардаги илмий-техника инқилобларининг ютуқлари асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиш (дастлабки инновацион тўлқин XIX аср бошида, иккинчиси – XIX аср охири, XX аср боши, учинчиси – 1960-1990 йилларда юз берди). XX-XXI асрлар чегарасида биз юзага келаётган тўртинчи инновацион тўлқин – «интеллектуал инқилоб» босқичида турибмиз. Ушбу таърифлар саноатга тааллуқли бўлса-да, бироқ улар ўз навбатида, иқтисодиёт аграр секторининг техник-технологик ривожланишини ҳам белгилаб беради.
- Маълумки, республикамизда АСМни ривожлантиришнинг мақбул йўлларини белгилаш учун турли ёндашувлардан фойдаланилади.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**